



2020 у « 30 » сентябрь

№ Қ-533

« » 20 г

Термиз тумани “Лимонзор-Саховати” массиви “Нурафшон” маҳалласи худудидан “ABDURAYIM INNOVATION-QURILISH” хусусий корхонасига “Иссиқхона” қуриш учун ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5-моддасига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 20 мартдаги 4246-сон қарорига асосан, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 09 сентябрдаги 05-02/607-сон йиғилиш баёни ва Термиз туман ҳокимининг 2020 йил 14 августдаги 01-08/313-сон хатини кўриб чиқиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 09 сентябрдаги 05-02/607-сон йиғилиш баёни тасдиқлансин.

2. Термиз тумани “Лимонзор-Саховати” массиви “Нурафшон” маҳалласи худудидан “ABDURAYIM INNOVATION-QURILISH” хусусий корхонасига туман ҳокимлиги захира ер фондидан қишлоқ хўжалик харитасининг 10қ-дала контуридаги жами 0,70 гектар қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдони “Иссиқхона” қуриш учун вақтинча (10 йил муддатга) фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

3. “ABDURAYIM INNOVATION-QURILISH” хусусий корхонаси раҳбари А.Ўрозовга:

иссиқхона учун ажратилаётган ер майдонидан фақат иссиқхона қуриш учун фойдаланиши;

етиштирган маҳсулотларни экспорт қилиши;

мақсадсиз фойдаланилганда ёки бир йил мобайнида фойдаланилмаганида ажратилаётган ер майдони туман ҳокимлиги захирасига қайтариб олинishi кўрсатиб ўтилсин.

4. Вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (А.Ғаниев) ва Термиз тумани ҳокимлиги (Ш.Уринов) ер майдони ажратилиши муносабати

билан туман ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритишни таъминласин.

5. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосарлари У.Турапов ва А.Орипов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов